

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт
умиди” жамғармасининг Германиянинг «LOGO» нодавлат-нотижорат
ташкilotи билан ҳамкорликдаги стажировка дастури
танловини ўтказиш**

ЙЎРИҚНОМАСИ

Ўзбекистон олий таълим муассасалари магистратура талабаларининг Германиянинг қишлоқ хўжалиги ва сайёҳлик компанияларидан стажировка ўташ дастури учун танлов 4 босқичда ўтказилади.

1-босқич:

Ўзбекистонлик талабалар учун стажировка дастури танлови тўғрисидаги эълон, номзодларга қўйиладиган талаблар “Эл-юрт умиди” жамғармаси, «LOGO» нодавлат-нотижорат ташкilotи расмий сайтларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ОАВда эълон қилинади.

Дастур учун кўрсатилаётган номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси (камида 22 ёш), Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари магистранти (қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳасида), шунингдек, инглиз ёки немис тилида эркин сўзлаша оладиган бўлиши лозим.

Ҳужжатлар қабули "LOGO" нодавлат-нотижорат ташкilotи расмий сайтида (<https://logoev.de/ru/fachpraktika-ru/bewerbungen-ru.html>.) 2019 йил 25 апрелдан 20 майга қадар онлайн равишда амалга оширилади.

Номзодлар учун иловада талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

Инглиз ёки немис тилида кўлда ёзилган автобиография («LOGO» нодавлат-нотижорат ташкilotининг веб-сайтида келтирилган тавсияга қаранг, ушбу дастурнинг сиз учун аҳамиятини очиб беринг)

Паспорт учун сурат (3 x 4 см);

Рейтинг дафтарчаси биринчи саҳифасининг нусхаси;

Охириги 2 семестр баҳолари, рейтинг дафтарчаси саҳифалари нусхаси билан;

Хорижга чиқиш учун паспорт нусхаси расмли томони билан;

Ҳайдовчилик гувоҳномаси нусхаси (мавжуд бўлса);

Соғлиғини мустақил равишда тасдиқловчи форма («LOGO» веб-сайтида кўрсатилган шаклда тўлдирилади).

2-босқич:

Онлайн аризалар ва уларга бириктирилган ҳужжатлар кўриб чиқилгач, Жамғарма «LOGO» нодавлат-нотижорат ташкilotи билан биргаликда номзодларга электрон почта орқали кейинги босқичга ўтган ёки ўтмагани, навбатдаги босқич ўтказилиши вақти ва санасини бирма-бир маълум қилади.

Танловнинг биринчи босқичидан ўтган номзодлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси ва «LOGO» нодавлат-нотижорат ташкilotи билан биргаликда Тошкент шаҳрида ташкил қилинадиган ёзма ва оғзаки синовларга таклиф қилинади.

Сухбатлар инглиз ёки немис тилида (онлайн ариза топширган тилига қараб) “Эл-юрт умиди” жамғармаси ва «LOGO» нодавлат-нотижорат ташкилоти вакилларидан иборат Танлов комиссияси томонидан олиб борилади.

Сухбатда номзодлар:

Немис ёки инглиз тилини билиш даражаси;

Германия ва Ўзбекистон ҳақида билимга эга бўлиши;

Умумий таълимнинг яхши натижасини кўрсатиши;

Қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳасида умумий тушунчага эга эканлиги;

Рейтинг дафтарчалари, қўшимча сертификат ва мукофотлари бўлса уларни тақдим этган ҳолда;

Ёзма синовларнинг муваффақиятли натижалари;

Стажировка ўташга бўлган иштиёқини намоён қилиши лозим бўлади.

Сухбат натижалари асосида “Эл-юрт умиди” жамғармаси ва «LOGO» нодавлат-нотижорат ташкилоти Германиянинг нуфузли компанияларида стажировка ўташга тавсия этилаётган номзодлар рўйхатини шакллантиради.

3-босқич:

Сухбат ва тест натижалари имтиҳонлардан сўнг 14 кун ичида номзодларга маълум қилинади.

«LOGO» нодавлат-нотижорат ташкилоти 2019 йилнинг июнь ойи ниҳоясида барча имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган номзодлар ҳужжатларини Германия компанияларига кўриб чиқиш учун тақдим қилади.

4-босқич:

Дастлабки уч босқичнинг натижаларига кўра якуний қарор, Германия ташкилот ёки компаниялари томонидан стажировка шартлари ва талаблари асосида чиқарилади.

«LOGO» нодавлат-нотижорат ташкилоти номзодларга Германиядаги компания ва ташкилотлар тўғрисида, шунингдек стажировка мобайнида стажерга қўйиладиган вазифалар бўйича маълумотларни юборади.

Номзодлар 3 кун ичида стажировка ўташ учун корхона танлаш учун қарор қабул қилишлари керак бўлади.

Танланган компаниялар номзодлар учун стажировка режасини тайёрлайди ва ушбу режалар ўқув курслари дастури билан боғлиқ бўлиш керак.

«LOGO» нодавлат-нотижорат ташкилоти Германия меҳнат администрацияси (Arbeitsagentur)га стажировкага рухсат олиш мақсадида мурожаат қилади. Бу жараён 4 ҳафтагача вақт талаб қилиши мумкин.

«LOGO» нодавлат-нотижорат ташкилоти 2019 йил 31 июлга қадар расмий таклифномаларни тақдим қилади.